Куч — адолатда

2010 йил,
3 февраль,
чоршанба
№ 5 (259)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | E-mail: kuch-adolatda@mail.ru | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Эзгуликка чорловчи маънавий мерос

Буюк бобомиз Алишер Навоий халқимизга бой ва бебаҳо маънавий мерос қолдирди. Улуғ шоир асарларида ўзининг теран ифодасини топган меҳр-муҳаббат, хайр-саховат сингари умрбоқий ғоялар асрлар оша инсониятни ўзаро ҳамжиҳатлик ва эзгуликка даъват этиб келмоқда.

Буюк ижодкор ҳамиша инсонни, унинг муҳаббати ва садоқатини улуғлади, зулм ва зўравонликка қарши курашди, адолат ва эзгуликни, тинчлик-тотувликни тараннум этди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **«Агар бу зотни авлиё десак, у — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир»**. Зеро, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Алишер Навоий бобомиз сингари теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

Алишер Навоий яшаган даврдан буён беш асрдан кўп вақт ўтди. Аммо шоир ижодининг қиммати асло пасаймади. Алишер Навоий асарлари инсоният учун маънавий қувват ва юксалиш манбаи бўлиб келмоқда.

Мутахассислар қайд этишича, Алишер Навоийнинг дунёвий шуҳрати ўз давридаёқ бошланган эди. Унинг асарлари Туронзамин ҳудудларидан чиқиб, Чин, Эрон, араб давлатлари, Туркия, Арманистонда ҳам ўз ўқувчиларини топди.

XIX асрдан бошлаб Европа давлатлари ва Россияда Алишер Навоий ижодига қизиқиш кучайди. Француз шарқшуноси Катрмер 1841 йилда босилган мажмуасида «Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Тарихи мулки Ажам» асарларини, И.Н.Березин «Турк хрестоматияси» тўпламида шоир асарларидан парчаларни эълон қилган эди. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш миқёси XX асрда янада кенгайди.

Алишер Навоий ижоди мустақиллик даврида ўзининг ҳақиқий баҳосини олди. Мамлакатимизда истиқлолимизнинг биринчи йили **«Алишер Навоий йили»** деб эълон қилинди. Ўша йили Тошкентда Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали ва унинг номидаги боғ очилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар самарасида Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўплами нашр этилди. Инсониятнинг буюк бобомиз боқий хотирасига бўлган юксак эҳтироми рамзи сифатида юртимиз ва хорижда алломанинг қатор ҳайкаллари қад ростлади. Шоир туғилган кунни мамлакатимизда кенг нишонлаш анъанага айланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида халқимиз фаровонлиги тобора юксалиши баробарида давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ҳам ортиб бораётир.

Munosabat

Инсон манфаатлари — ислоҳотлар асоси

Амалдаги **«Судлар тўғрисида»**ги қонунда Ўзбекистон Республикасида одил судловни мустақил равишда айнан судлар амалга ошириши ва улар фақат қонунга бўйсуниши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашиш жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Судларнинг мустақиллигини таъминлайдиган, ҳар бир судьянинг дахлсизлигини ҳимоя қиладиган, **«Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари»** тўғрисидаги халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган меъёрлар вужудга келди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда мустақил одил судлов тизими яратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида ҳам Президентимиз томонидан суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшилганлиги, ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан 58 та қонун қабул қилиниб, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилганлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Фуқаролар мурожаати

қонун билан кафолатланади

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, манфаатлари дахлсизлигини таъминлашда фуқароларнинг мурожаат қилиш институти алоҳида ўрин тутади. Асосий Қонунимизнинг 35-моддасида мустаҳкамланганидек, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат идораларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги, **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги, **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»**ги қонунларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, шу жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашни кафолатловчи меъёрлар белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Зеро, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз томонидан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб номлангани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Етук мутахассис ёшлар — эртанги кун эгаси

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 январда қабул қилинган **«Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Қарорда қайд этилганидек, илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Олий судда **«Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: энг яхши тажриба ва истиқболлар»** мавзуидаги республика талабалар олимпиадаси ташкил этилгани ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади. Олий суд ва унинг ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда талаба ёшлар иқтидор ва интеллектуал салоҳиятларини намойиш қилдилар.

Мамлакатимизда ёшларнинг салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган турли кўрик-танловлар, викториналар, олимпиадалар ўтказиш анъанага айланган. Мана, икки йилдирки, Олий суд ва унинг ҳузуридаги Тадқиқот маркази ташаббуси билан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар кўмагида «Ўзбекистонда суд ислоҳотлари: энг яхши тажриба ва истиқболлар» мавзуидаги Республика талабалар олимпиадаси ўтказиб келинаётгани ҳам бу фикрнинг далилидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, Жиноят кодексининг 55-моддасига биноан, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири — етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ҳисобланади. Қонуннинг мазмун-моҳиятига кўра, зарар ўрнини қоплаш ҳар қандай турдаги — жисмоний, мулкий, маънавий зарарга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. Зарар ўрнини қоплаш — айбдорнинг жиноий ҳаракатидан келиб чиққан зарарли оқибатларни камайтириш, тажовуз туфайли етказилган зарар ўрнини қоплаш ёки уни бартараф этишга қаратилган онгли ҳаракатларидир.

Saboq

Ихтиёрий қопланган зарар

айбдорга енгиллик беради

Зарарнинг ўрнини қоплаган айбдор ўз айбини англагани сабабли унга енгиллик берилади. Амалиётда шу каби ишлар кўрилмоқда. Жумладан, Андижон шаҳридаги «Андижон ривож» хусусий корхонаси раҳбари Зоҳид Намозов, Андижон туманидаги «Салоҳият камоли» хусусий корхонаси раҳбари Эркин Акрамов ва шу корхона бош ҳисобчиси Алишер Қорабоев Андижон вилояти «Иссиқлик манбаи» ОАЖ мутасаддилари билан ўзаро тил бириктирадилар.

Хусусий корхоналар Андижон шаҳридаги бозорлардан 6 тонна «катионид» маҳсулотини сотиб олади.

(Давоми иккинчи бетда)

Эркин, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда фуқароларнинг мулк ҳуқуқи дахлсизлиги қонунда белгилаб қўйилган. Амалдаги Фуқаролик, Оила кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларида мулк, умумий биргаликдаги мулк, умумий биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш, унга эгалик қилиш тартиблари аниқ қайд этилган.

Fuqarolik qonunchiligi

Мулк ҳуқуқи — дахлсиз

Шу ўринда асосий мақсадга ўтишдан олдин умумий биргаликдаги мулк қандай вужудга келиши ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Сир эмас, оила эр-хотиннинг ихтиёрий розилиги асосида барпо этилади. Уларнинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Айтиш керакки, Оила кодексининг 24-моддасига кўра, эр-хотин ўзларининг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуққа эга. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда, бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра, амалга оширилади. Аниқроқ қилиб айтганда, битим тузиш учун эр ёки хотиннинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олиниши зарур. Қонуннинг ушбу талаби бажарилмаган тақдирда бундай битим суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилади.

(Давоми учинчи бетда)

Ушбу сонда:

Тадбиркорлик ҳалолликни ёқтиради 3

Ёлғоннинг қисқа умри 3

Амир Темур гўрини 4

2010-yil — Barkamol avlod yili

Етук мутахассис ёшлар — эртанги кун эгаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур олимпиадада ҳуқуқшунослик йўналишидаги институтлар ва бошқа олий ўқув юртларининг юридик факультетида таҳсил олаётган талабалар қатнашмоқда. Олимпиадани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — талаба ёшларнинг ўз танлаган мутахассислиги бўйича қизиқишини янада орттириш, ижодий қобилиятларини, илмий тадқиқотга бўлган интилишларини юзага чиқариш ва ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, иқтидорли ёшларни аниқлашдир. Бош вазифа эса энг билимли ва қобилиятли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Белгиланган тартиб-таомилга асосан олимпиаданинг биринчи босқичи

унинг қатнашчилари бўлган еттита олий ўқув юртларида бўлиб ўтди ва унда саралланган 14 нафар талаба танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Икки кун давомида олимпиада иштирокчилари аввал тест синовидан ўтдилар, сўнгра танлаган мавзуларига оид маърузаларини ҳайъат аъзоларига тақдим этдилар.

Тест орқали олимпиада иштирокчисининг суд-ҳуқуқ ислоҳотларига доир билимлари синовдан ўтказилган бўлса, мавзу бўйича тақдимотда эса талабанинг омма олдидаги нутқининг тузилиши, мазмуни, маърузачининг ўз ғояларини қай даражада ҳимоя қила олиши, аудитория билан ишлаш қобилиятлари аниқланди.

Танлов якунига кўра, энг кўп балл тўплаган Тошкент Давлат юридик институти талабаси Рустамжон Қувонов биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Қорақалпоғистон Давлат университети талабаси Анвар Раҳимов ва Самарқанд Давлат университети талабаси Гулруҳ Салимовага насиб этди. Ғолибларга сертификатлар, фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундай танловлар бўлғуси юристларнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиланишлардан бохабар бўлишлари баробарида уларни соҳадаги ислоҳотларни янада ривожлантиришнинг фаол иштирокчисига айлантиришга, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишларига замин яратади.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, **ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Норгул АБДУРАИМОВА

9-fevral — Alisher Navoiy tavallud topgan kun

Эзгуликка чорловчи маънавий мерос

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимиздаги қўлёзмалар фондларида Алишер Навоий асарларининг кўплаб қўлёзмалари мавжуд. Уларнинг аксарияти ўз даврида «заррин қалам» соҳиби деган улкан эътирофга сазовор бўлган машҳур хаттотлар томонидан кўчирилган ва музаҳҳиҳлар томонидан нақшлар билан зийнатланган. Ана шундай нодир манбаларга ишланган расмларни бир жойга жамлаш мақсадида уч жилдли «Шарқ миниатюралари каталоги» нашр этилди.

Олимларимиз шоир адабий меросининг ўрганилмаган қирраларини кашф этиш, собиқ мафкура таъсирида бузиб талқин этилган асарларини асл ҳолича тадқиқ этиш ва халқимизга етказиш мақсадида кенг кўламли илмий изланишларни амалга ошираётирлар. Бундай изланишлар натижасида навоийшуносликка оид кўплаб монография, рисола, мақола ва бошқа илмий-оммабоп материаллар чоп этилмоқда.

Ҳозир Алишер Навоий асарларининг янги изоҳли луғатини яратиш борасидаги изланишлар ҳам давом этмоқда. Кўп жилдлик **«Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи»**нинг буюк аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус бобини нашрга тайёрлаш борасида зарур материаллар йиғилмоқда.

Бугунги кунда Навоийнинг ўлмас меросига эътибор нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам тобора ортиб бораётир. Бунинг натижасида шоир асарлари чет тилларга таржима қилиниб, адабиёт ихлосмандларига етказилмоқда. Яқинда Францияда нашр этилган "Навоий ғазаллари" тўплами бунга мисол бўла олади. "Editions Georama" нашриёт уйида чоп этилган ушбу тўпламдан буюк алломанинг инсонпарварлик, ватанга ва гўзалликка муҳаббат, комилликка интилиш ва меҳр-оқибат ғояларига йўғрилган ўттиздан ортиқ ғазали ўрин олган.

Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишлаб ташкил этилаётган анъанавий илмий анжуманлар навоийшуносликка оид илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, мамлакатимиз ва хорижда амалга оширилаётган шоир ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлар юзасидан ўзаро фикр алмашиш, ёш тадқиқотчиларнинг ижодий ва илмий салоҳиятини мунтазам ошириш борасида муҳим омил бўлаётир.

Анжуманларда навоийшунослик соҳасида бадиий матн ва таҳлил масалалари, Алишер Навоий ижодининг жаҳон адабиётида тутган ўрни, шоирнинг адабий-эстетик қарашлари ва рубоийларидаги тасаввуфий ҳамда дунёвий ғоялар уйғунлигига бағишланган маърузалар тингланади ва таҳлил этилади.

Тадбирлар доирасида Алишер Навоийнинг мамлакатимиз ва хорижда чоп этилган асарлари, навоийшунослик соҳасидаги янги нашрлар кўргазмаси ташкил этилади.

Барча буюк ижодкорлар сингари Алишер Навоий ҳам ўзининг номи ва асарлари асрлар оша яшаб қолишига ишонган эди. ***«Умидим ул-дирки ва хаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай»***, деб ёзган эди аллома. Бу башоратомуз сўзларнинг ижобатини бугунги кунимиз яққол ифодалаб турибди. Буюк мутафаккир асарлари асрлар оша жаҳон бўйлаб юксак парвоз этмоқда, неча-неча авлодларни комиллик сари етакламоқда. Инсоният тафаккури ва жамият ривожида ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмай барҳаёт яшамоқда.

«Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлинг бирбирингизгаким, эрур ёрлиғ иш», деб барчамизни ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, одамийлик сари етакламоқда. Бу билан дунёнинг тинчлиги, тараққиёти, барқарорлиги, ўзаро мувозанатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Qonun ko`magi

Фуқаролар мурожаати қонун билан кафолатланади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Амалдаги қонунларимизда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, Жиноят кодексининг 144-моддасига асосан, мурожаатнинг кўриб чиқилишини асоссиз равишда рад этиш, кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш каби қонун бузилишларига йўл қўйиш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Тошкент шаҳри адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ҳам фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳри Учтепа туманининг «Сулаймон хўжа» кўчасида яшовчи Д.Мўминова Учтепа тумани газ таъминоти раҳбарияти номига ёзган аризасига ўз вақтида жавоб ололмаётгани тўғрисида адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Маълум бўлишича, Д.Мўминова ўзи яшаб турган хонадонга 2006 йил август ойида давлат стандарти сертификатига эга бўлган газ ҳисоблагич ўрнатган ва ҳисоблагич асосида тўловларни амалга ошириб келган. Учтепа тумани газ таъминоти хизмати ходимлари эса асоссиз равишда унинг 94.000 сўм қарздор эканини маълум қилишади. Д.Мўминова масалага ойдинлик киритиш мақсадида Учтепа тумани газ таъминоти раҳбари номига икки марта ариза билан мурожаат қилади, аммо узоқ вақт мурожаатларига жавоб ололмайди.

Бошқарма ходимлари томонидан ўрганиш жараёнида, ҳақиқатан ҳам, Д.Мўминованинг аризаси ўз вақтида кўрилмагани маълум бўлди. Шундан сўнг Д.Мўминованинг аризаси кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди ва камчиликка йўл қўйган Учтепа тумани газ таъминоти хизмати бошлиғи Ш.Абдурахмоновга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани «ТошДУ-ТошПи» кўчаси 11-уйда яшовчи С.Ҳайдаров ва бошқаларнинг «Тошиссиққуввати» ИЧБ Собир Раҳимов тумани бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан Адлия вазирлигига ёзган аризаси ҳам ўрганиб чиқилди.

Аризада баён этилишича, С.Ҳайдаров ва бошқалар иссиқлик таъминоти учун тўловни ўз вақтида тўлаб келишган, аммо «Тошиссиққуввати» ИЧБ Собир Раҳимов тумани бўлими томонидан тўловни тўламаган фуқароларнинг қарзи учун умумий тарзда 11-уйда яшовчи фуқароларга дебиторлик қарзини тўлаш эълон қилинган ҳамда сув сабабсиз ўчириб қўйилган.

Тошкент шаҳри адлия бошқармаси томонидан аризага аниқлик киритиш мақсадида 2009 йил 13 октябрь куни «Тошиссиққуввати» ИЧБ бош бошқармасига сўров хати юборилиб, натижаси ҳақида 16 октябрь кунигача маълумот бериш сўралган эди. 2009 йил 28 октябрь куни берилган «Тошиссиққуввати» ИЧБ бош бошқармасининг маълумотига кўра, ижрочи томонидан ариза ўрганиб чиқилган. Шунга қарамай, сабабсиз тўхтатиб қўйилган сув масаласи эътиборсиз қолдирилган.

Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 12 майдаги **«Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонининг 2-қисми 2-бандига кўра, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлигига йўл қўяётган корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчига нисбатан тегишли чоралар қўлланилиши лозим. Юқоридаги камчиликларга асосан, муддати ўтган дебиторлик қарзларни қоплаш бўйича ишларни назорат қилмагани ва камчиликларга йўл қўйгани учун «Тошиссиққуввати»нинг Собир Раҳимов тумани бўлими бошлиғи А.Каримбеков ва Собир Раҳимов тумани «Иссиқлик тарқатиш» бўлими бошлиғи Т.Джамбакиевга Меҳнат кодексининг 181-182-бандларига мувофиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатлари дахлсиз бўлиб, уларнинг ҳимояси қонун йўли билан таъминланади. Шу маънода фуқароларнинг ариза, шикоят ва таклифлари ҳам тегишли муассасалар томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Алишер ПИРМАТОВ,
Тошкент шаҳри адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Saboq

Ихтиёрий қопланган зарар айбдорга енгиллик беради



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси маркази Андижон вилояти бўлинмаси суд экспертизасининг хулосасига кўра, 1 тоннасининг ҳақиқий баҳоси 2,6 миллион сўм бўлган 4 тонна «катионид» маҳсулотини 19 миллион сўмга, 1 тоннасининг ҳақиқий баҳоси 1,5 миллион сўм бўлган 2 тонна «карбид» маҳсулотини 5,5 миллион сўмга, 1 тоннасининг ҳақиқий баҳоси 1,8 миллион сўм бўлган 1 тонна «электрод» маҳсулотини 2,6 миллион сўмга, яъни қиммат нархларда Андижон вилояти «Иссиқлик манбаи» ОАЖга сотишади. Ҳисоб шартнома ва юк хатларида маҳсулот қийматини сунъий равишда ошириб кўрсатиш натижасида жами 11,9 миллион сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож этишган. Судланувчилар томонидан етказилган зарар судгача тўлиқ тўланди ва суд томонидан ҳукм чиқаришда етказилган зарарнинг қопланганлиги эътиборга олинди.

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар эшиги очилган. Мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар фаолият юритмоқда. Афсуски, уларнинг ҳаммасида ҳам ҳисоб-китоб ишларини ўз соҳасининг устаси бўлган мутахассислар юритаяпти, дея олмаймиз.

Андижон туманидаги «Намуна» масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари 2005-2007 йиллар ҳамда 2008 йилнинг 9 ойи давомида жами 46.294.5 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келишган. Судланувчи — корхона ҳисобчиси Д.Ибодовнинг суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон бўлиб берган кўрсатмасига эътибор берайлик: «Солиқ қонунчилиги юзасидан аниқланган хато ва камчиликлар тўғри. Ҳисоботларни тайёрлашда айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини нотўғри қўллаганим натижасида айримларидан ортиқча, айримларидан кам ҳисобланган. Текшириш давомида қўшимча ҳисобланган 46.294.5 минг сўм тўлиқ қопланди». Суд судланувчиларга жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги **«Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида»**ги қарорининг 17-бандига асосан, уларнинг муқаддам судланмаганлигини, содир этган жиноятининг унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, жиноят оқибатида етказилган зарар дастлабки тергов жараёнида ихтиёрий равишда тўлиқ қопланганлигини инобатга олди. Судланувчилар З.Исломов ва Д.Ибодов Жиноят кодексининг 71-моддасига асосан жазодан озод этилди.

Зарарнинг ихтиёрий қопланишини жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Андижон туманида яшовчи Эргаш Жамолов ва Машраб Ваққосов олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, М.Алиевнинг 5 миллион сўм ва Ш.Мақсудованинг 4 миллион сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишади. Улар суднинг қора курсисига келиб ўтирганда қандай қилмишга қўл уришганини тўлиқ тушуниб етишади ва жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашади. Суд уларга жазо тайин этишда ҳам бу жиҳатларга эътибор қаратди.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда. Айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга жазо тайинлашда етказилган зарарнинг қопланганига эътибор қаратилаётгани жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини тўла ҳимоялаш имконини бермоқда. Бундай жиноятга қўл урган кишига имкон бермай оғир яъни озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши етказилган зарарнинг қоплانмай қолиш хавфини кучайтиради. Бундай ҳолат икки томоннинг ҳам манфаатларига ўта зид, албатта. Ислоҳотлар самараси ўлароқ етказилган зарар қопланганида айбдорга оғир жазо тайинланмаслиги ҳар икки томон манфаати муҳофазасини таъминлаяпти.

Муроджон АБОБАКИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди раиси
Маҳлура ОРТИҚОВА,
журналист

Jinoyatga jazo muqarrar

Нафс

«Бухороагросаховат» агрофирмаси омбор мудири Зоҳир Фозилов ва тақсимотчи Мардон Жўраев тўғри йўлдан озиб, жамоаси, қариндош-уруғлари олдида бошлари хам бўлиб қолди. Негаки, улар одамлар ишончига, ҳалолликкa хиёнат қилдилар. Ҳамтовоқлар «Текин топганга ҳолва ширин, меҳнат билан топганга нон ширин» нақлининг маъзини чақиб кўрганларида, эҳтимол, қинғир ишга қўл уриб, жиноят кўчасига киришмасди.

Гап шундаки, агрофирманинг 6 гектардан иборат иссиқхонаси бўлиб, шунинг 4,5 гектарида помидор, 1,5 гектарида бодринг етиштириларди. Иссиқхоналарда ноябрь ойи экиш мавсуми ҳисобланади. Бу пайтда фирманинг хазинасида пул бўлмаганлиги учун омбор мудири Зоҳир Фозилов Тошкент шаҳридан ўзининг пулига 21 миллион сўмлик помидор ва 4,9 миллион сўмлик бодринг уруғини харид қилиб келади. Иссиқхона иш юритувчилари Ҳамро Абдуллаев, Шомурод Ҳакимов ва Абдурасул Абдуллаев ўзларига тегишли ҳудудларга уруғларни сепиб чиқишади.

Парваришнинг яхшилигидан ҳосил ҳам шунга яраша бўлади. 2009 йилнинг апрель ойи охирларида помидор ва бодринг пишиб етилади.

— Мардон ака, мана, ҳосил ҳам етилиб қолди. Энди мен уруғ учун сарфлаган пулимни маҳсулотлар ҳисобидан чиқариб олишим керак, — дейди Зоҳир Фозилов. — Дарвоқе, олиб келганимда уруғларни агрофирма ҳисобхонасига кирим қилишни унутибман. Энди ўзингиз бир йўлини қиласиз-да, ака.

— Йигитнинг сазаси сингунча шайтоннинг бўйни узилсин, ука. Биласиз, бир сўзли йигитман, — керилди тақсимотчи Мардон Жўраев. — Қўрқманг, пулингизга куймайсиз. Кўйиш нима, ҳали хурсанд ҳам бўласиз...

Мардон бежиз катта кетмаган экан. У 2009 йилнинг май ойи бошларида фақат йўлда фойдаланиладиган йўл варақалари орқали 27.677 килограмм помидор ва 1160 килограмм бодринг маҳсулотини Зоҳир Фозилов ихтиёрига чиқим қилди. Бу маҳсулотлар Замон Ражабов бошқарувидаги «КамАЗ» ва Нодиржон Турдиев бошқарувидаги «Раф-220301» русумли машиналарда Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги бозорларда нақд пулга сотилди.

Зоҳир Фозилов тақсимотчига маҳсулотлар 48.210.900 сўмга сотилганини айтганида, Мардоннинг асл мақсади маълум бўлди.

— Офарин, ука, боплабсиз! — мақтову олқишни аямади тақсимотчи. Сўнг гапни узоқдан бошлади. — Пулни белга қувват, дейишади, биласизми? Пул қушгаям ўхшайди. Сал анқовлик қилсанг, қўлингдан чиқиб кетади, — аста-секин мақсадга кўча бошлади Мардон Жўраев. — Энди гап бундоқ, ука. Ўша уруғларга сарфлаган пулингизга қолган 22.310.900 сўмни тенглаштирамиз-кўямиз. Фақат ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолсин. Мен ҳисоб варақадаги маҳсулотларнинг миқдорини агрофирманинг юк хатларини рўйхатга олиш китобида қайд қилмаганман. Демак, калаванинг учини ҳеч ким тополмайди...

Мардон Жўраев беш бармоғини оғзига солиб, ўзига ҳамтовоқ қидирди. У иккиланмай агрофирма маҳсулот сотувчилари Отабек Ражабов ва Иноят Акрамовни танлади. Назарида, шу йигитлар салгина имо-ишорани ҳам тушунадиган, пихини ёрган кимсалар тоифасидан эди.

Munosabat

Инсон манфаатлари — ислоҳотлар асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ушбу қўшма мажлисдаги **«Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»** номли маърузасида алоҳида эътироф этганидек, **бутун дунёда қизиқиш ва эътибор уйғотадиган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши билан амалда суд ҳокимиятининг мустақиллиги таъминланди, жиноий жазо тизими либераллаштирилди, ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органларидан одил судлов органларига ўтказилди ва натижада дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.**

Бундай қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганининг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги Фармони нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Зотан, мазкур Фармон билан юртимизда ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи амалда кафолатланди. Қолаверса, ушбу Фармон дунёдаги барча тараққий топган давлатлар қатъий амал қиладиган демократик қадриятларга мувофиқ келадиган интилишларни ўзида акс эттирганлиги билан ҳам улкан аҳамиятга молик бўлди.

Президентимизнинг маърузасида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг давоми сифатида адвокатура институтининг ислоҳ этилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майда эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони инсон ҳуқуқларини янада кафолатли ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий меъёрни амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадини ўз ичига олган ушбу Фармон тегишли давлат органлари олдига адвокатура институтини янада такомиллаштириш вазифасини қўйди.

Мазкур Фармон асосида **«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонунга асосан **«Адвокатура тўғрисида»**ги қонунга ҳамда Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу каби ислоҳотлар мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуришга асосланган эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий қонунчилик тизимини мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни мазмунан бойитиш, такомиллаштириш мақсадларини қамраб олган. Бошқача айтганда, барча ислоҳотлар замирида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати, фаровон ҳаёти ва бошқа манфаатлари мужассам.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан парламентнинг ўтган беш йиллик фаолиятига баҳо бериш билан бирга мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналишлари ҳамда ҳар иккала палата олдида турган дастурий вазифалар белгилаб берилди.

Ана шундай вазифалардан бири **суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам такомиллаштириб боришдир**. Бинобарин, давлатимиз барқарорлашиб, жамиятимиз ривожланиб боргани сайин қонунларимиз ҳам халқ фаровонлиги, инсон манфаатлари йўлида янада сайқалланиб, такомиллашиб бораверади. Биз олдимизга қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришда фидойилик, жонкуярлик билан фаолият юритишни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.

Зеро, мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида Президентимизнинг қонун ижодкорлигига оид теран фикрлари биз — депутатлар учун келгуси фаолиятимизнинг асосий дастурига айланиши баробарида, мамлакатимиз икки палатали парламентининг равнақи ва ривожи йўлида хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати

Fuqarolik qonunchiligi

Мулк ҳуқуқи — дахлсиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Каттақўрғон шаҳрида яшовчи К.О. 1995 йилда С.М. билан турмуш қуради. Улар турмушлари давомида уч нафар фарзанд кўришган. Шунингдек, улар биргаликда шаҳардан беш хонали дўкон сотиб олишган. Кейинчалик К.О. хотини С.М.нинг розилигини олмасдан қўл остида ишлаб юрган Н.Л.га оғзаки битим асосида дўконни сотиб юборади. Н.Л. ўз навбатида савдо дўконини фуқаро Р.Д.га сотган. Савдо дўконининг янги эгаси Р.Д. дўкон биносини фуқаролар А.Бойитов, С.Бойитов ва М.Қодировга ижарага бериб, фойдаланиб келган.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасида **«Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир»**, — дея қайд этилган.

Суд даъвогар К.О.нинг ишончли вакили, онаси К.Х.нинг даъвосини қаноатлантирди. Умумий мулк бўлган шахсий дўкондан жавобгарлар А.Бойитов, С.Бойитов ва М.Қодировни барча мулклари билан биргаликда мажбурий тартибда чиқариб, низоли дўконни мулкнинг ҳақиқий эгаси К.О.га олиб бериш ҳақида қарор чиқарди. Шаҳар ҳокимининг 2006 йил 31 январдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топди.

* * *

Бу дунёда ҳар бир одам ўзига хос ҳаёт кечиради. Бировнинг тақдири бошқа бировникига ўхшамайди. Даъвогар Т.О.нинг судга қилган мурожаатидан, тақдим этган ҳужжатларидан маълум бўлишича, у марҳум эри Т.Э. билан 1960 йилда қонуний никоҳдан ўтган. Уларнинг ана шу қонуний никоҳлари давомида фарзандлари: Равшан, Моҳинур, Алишер, Илҳом, Дилноза ва Гулбаҳор дунёга келган. Эр-хотин ва фарзандлар бир ҳовлида яшашган.

Оила бошлиғи Т.Э.нинг номида шаҳарда яна бир ҳовли бўлиб, унда бир аёл ижарада яшаб келган.

Т.Э. вафот этгандан сўнг меросни қонун бўйича бўлишга келганда ҳаммаси ойдинлашган. Т.Э. аслида «ижарада турган» аёл Б.М. билан шаръий никоҳдан ўтган экан.

Қисқаси, низоли уй-жой Т.Э. оила аъзоларининг биргаликдаги умумий мулки саналади. Бинокорлик экспертизасининг хулосасига кўра, уй-жойнинг нархи 8 миллион 726 минг 607 сўм. Уй-жойни тарафлар ўртасида бўлишнинг техник имкони йўқ. Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак?

Фуқаролик кодексининг 1134-моддасида **«Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка ушбу кодекснинг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақирилади-лар»** дейилган. Ушбу кодекснинг 1135-моддасида эса **«мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри(хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар»** дея қайд этилган. Мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кириши аниқ баён этилган.

Биринчи босқич суди даъвогарнинг жавобгар Б.М.га нисбатан меросни қонун бўйича бўлиб бериш тўғрисидаги даъвосини қонуннинг юқоридаги талабига таяниб қаноатлантирди. Даъвогар Т.О.ни ва унинг олти нафар фарзандини марҳум Т.Э.нинг номида бўлган уй-жойга тенг улушда меросхўр деб топиб қарор чиқарди. Уй-жойни бўлиш имконияти йўқлиги сабаб уй-жойни даъвогар Т.О.нинг фойдаланишида қолдириб, қолган меросхўрларга уй-жойнинг улуш нархини ундириб беришни лозим топди.

Кўпни кўрган кексаларимизнинг «Топганинг ўзингга буюрсин» дейишганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Чунки мол-мулкка интилиш инсоннинг табиий эҳтиёжи. Инсон зоти борки, меҳнати орқасидан мулк эгаси бўлишга ҳаракат қилади. У ана шу топилган бойлик ортидан келгусида оиласи, фарзандлари тўкис ҳаёт кечиришини истайди. Юқорида гувоҳи бўлганингиздек, қонунларимиз умумий биргаликдаги мулк эгаларининг манфаатларини тўлалигича ҳимоя қилади. Шу тариқа адолатли, ҳар томонлама пишиқ-пухта ишланган, халқчил қонунларимиз биргаликдаги мулкнинг ўз эгасига буюришини таъминлайди.

Жамшид СУБҲОНҚУЛОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси

Qilmish-qidirmish

Тадбиркорлик ҳалолликни ёқтиради

Музаффар Мустафоев «ADOMAX STIL» хусусий корхонасини ташкил этиб, Навоий шаҳри давлат солиқ инспекциясида давлат рўйхатидан ўтказгач, ишлари юришиб кетди. Унинг ўзи хусусий корхона раҳбари, турмуш ўртоғи Гуландом эса – бош ҳисобчи, топган-тутганлари ўзларига... Газетхонда «Корхона хусусий бўлса, эр-хотин бирга ишлайверади-да, бунинг нимаси ажабланарли?» — деган савол туғилиши мумкин. Аммо гап шундаки...

Музаффар билан Гуландом 2008 йил давомида 529 миллион 944,3 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлишса-да, олдиндан ўзаро тил бириктириб, солиқ идорасига 431 миллион 932 минг сўм деб атай камайтириб ҳисобот топширишган. Бунинг натижасида беш фоизли солиқ ставкасида тўланиши лозим бўлган ягона солиқдан 4 миллион 900 минг сўм яшириб қолинади. Бундан ташқари улар ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини камайтириб кўрсатиш эвазига 24 фоизли ва 2,5 фоизли ажратмалардан 159 минг сўмни ҳам яширишган. Хусусий корхона мансабдорлари бу хатти-ҳаракатлари билан «Кўп миқдорда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш» жиноятини содир этишган.

Бугунги кунда ҳар бир тадбиркор Вазирлар Маҳкамасининг **«Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги, **«Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорлари талабларидан яхши хабардор. Аммо шунга қарамай мазкур хусусий корхонада 2008 йил давомида 159 миллион 502,3 минг сўмлик қурилиш материаллари нақд пулга сотилган бўлса-да, бу пул тушуми бухгалтерияга кирим қилинмай, пул банкка топширилмай савдо қоидалари қўпол равишда бузилган.

Бунинг билан хусусий корхона мутасаддилари «Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш» жиноятини содир этишган.

Ғишт қолипдан кўчди, бўлар иш бўлди, энди судланувчиларга қандай жазо қўлланилади?

Шуниси эътиборлики, дастлабки тергов чоғида корхона мутасаддилари томонидан етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланди. Судланувчилар айбига иқрор, қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон эканликларини баён қилишди. Суд буни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этди ва қонун талабларидан келиб чиқиб, судланувчиларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни лозим топди.

Суд М.Мустафоевга икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ойлик иш ҳақидан йигирма фоизини давлат фойдасига ундириш тўғрисида ҳукм чиқарди. Судланувчи Г.Мустафоева ҳақида эса кенгроқ тўхталишга тўғри келади. Негаки, у муқаддам 2008 йил 14 ноябрда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган бўлиб, тайинланган жазонинг ҳали бир йилу етти ойи ўталмаган эди. Суд ана шу жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан унга нисбатан узил-кесил уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади ва ойлик иш ҳақидан йигирма беш фоизини давлат фойдасига ушлашни белгилади. Шунингдек, Г.Мустафоева бир йил мобайнида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Сирасини айтадиган бўлсак, ким нафсининг қутқусига учса, охир-оқибат панд ейди. «Менинг нафсим балодир, ёнган ўтга соладир», деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Ҳолбуки, «ADOMAX STIL» хусусий корхонаси мутасаддилари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товламай, товарлар савдоси қоидаларига риоя қилганларида, бундай кўнгилсиз ҳолга тушишмасди.

Бахриддин БОЗОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳри суди раиси

Маълумки, ҳар қандай фаолият, яъни тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва бошқалар албатта, қонун ва белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши даркор. Жумладан, валюта қимматликларини сотиш ва олишнинг ҳам ўз қоидалари бор. Бу борада «Валюта бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, чет эл валютасини олиш-сотишда мазкур қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш лозим.

Jinoyat va jazo

Қонунга амал қилган қоқилмайди

Аммо, афсуски, айрим кимсалар буни билсаларда, қандай бўлмасин қонунни четлаб, бел оғритмай бойлик орттириш илинжида бўладилар. Бироқ кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек, уларнинг жиноий фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан чек қўйиляпти.

Шокир Аҳмадалиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) тоғни урса талқон қиладиган ёшдаги йигит. Аммо у тайинли ишнинг бошини тутиш ўрнига ноқонуний равишда пул алмаштириш — валюта савдоси билан шуғулланишга қарор қилди. У баъзан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини доғда қолдиряпман, деб ичида суюниб қўярди. Аслида ўзи тобора адашиб, жар ёқасига кетаётганини ўйлаб ҳам кўрмасади. Йўқса, бу каби қинғир ишнинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантирган таниш-билишларининг панд-насиҳатларига амал қиларди.

(Давоми тўртинчи бетда)

қутқуси

Гапнинг қисқаси, Мардон 2009 йилнинг 2 ва 4 май кунлари Бухоро шаҳридаги «Тўқимачи» бозорида сотиш учун Отабек Ражабовга умумий баҳоси 1.056.000 сўмлик помидор ва бодринг маҳсулотини Ражаббой Абдуллаев бошқарувида бўлган «УАЗ-3303» русумли машинада етказиб берди. Сотувчи маҳсулотларни сотиб, 252.400 сўмни агрофирма хазинасига топширди. Қолган 803.600 сўм Мардон ва унинг шериги чўнтагига тушиб йўқолди...

Бели оғримай пул топаётган тақсимотчи текинтомоқлик аслида тузоқ эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

— Мардон Жўраев юборган 20996 килограмм, умумий баҳоси 21.016.800 сўмлик помидор ва бодринг маҳсулотларини қабул қилиб олдим. Ўша пайтда бу маҳсулотларнинг бозори чаққон эди. Бухоро шаҳридаги марказий деҳқон бозорида жойлашган, фирма ҳисобига ижарага олинган савдо растасида маҳсулотларни нақд пулга сотдим, — дея кўрсатма берди суд тергови чоғида Иноят Акрамов. — Мен банк муассасасига 15.734.590 сўм топширдим. Қолган 5.282.210 сўмни тақсимотчи билан бўлиб олдик...

Дастлабки тергов ва суд тергови чоғида «Қаҳҳор бобо» хусусий фирмаси раҳбари Қосим Атоев, фуқаро Анвар Кибриев фирма иссиқхонасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори юк хатларини рўйхатга олиш китобида қайд этилмаганини билдиришди. А.Кибриев 2009 йил 2 май куни 80-сонли юк хати билан 500 килограмм бодринг, 110 килограмм помидор маҳсулоти олиб кетган. Икки-уч кундан сўнг агрофирма хазинасига 610.000 сўм тўламоқчи бўлганида тақсимотчи пулни ўзи санаб олган. Кейин 339.340 сўмни агрофирма хазинасига тўлаб, қолган 270.660 сўмни ҳамёнига урган.

Ниҳоят, ҳужжатларни қалбакилаштирган кимсаларнинг қилмишлари фош бўлди. Жиноятчиларга қонунда белгиланган тартибда жазо чоралари тайинланди.

* * *

Ҳаётни кўзгуга қиёс этадиган бўлсак, нима иш қилмайлик, унда ҳаммаси тўла-тўкис акс этади. Бинобарин, мақсади қинғир бўлган кимсалар ҳарчанд ўзларини оқламоқчи бўлишмасин, ҳаёт кўзгуси уларнинг асл қиёфасини кўрсатиб қўяди. Худди шундай, тақсимотчию унинг чилдирмасига ўйнаганлар қилмиши ҳам узоққа чўзилмай ошкор бўлди.

Отабек ТОШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳри суди раиси
Валижон ЮСУПОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Ёлғоннинг қисқа умри

Тийнати тоза одамнинг тили билан дили бир бўлади: у оқни оқ, қорани қора дейди, ичида бир нарсани ўйлаб, тили билан бошқа нарсани сўйламайди. Бироқ орамизда нопок мақсади бўлгани ҳолда тилида эзгуликдан гап сотувчи кимсалар ҳам йўқ эмас.

Суд очерки

Адҳам ака (муайян сабабларга кўра исм-шарифлар ўзгартирилди) анчадан буён йиққан-терганини тўплаб, машина харид қилишни ният қилиб юрарди. Ҳар ҳолда, ўзингда улов бўлгани яхши-да, узоғингни яқин қилади. У бу борада танишларига ҳам маслаҳат солиб, сотиладиган яхши машина бўлса хабар беришларини тайинлаганди. Шундай кунларнинг бирида қўл телефони жиринглаб қолди.

— Алло, ассалому алайкум! Адҳам акани мумкинми?

— Валайкум? — Адҳам ака, ҳарчанд уринмасин, овоз эгасини эслолмади. — Эшитаман?

— Мен Олимжоннинг жўрасиман, — Олимжон Адҳам аканинг ҳаммаҳалласи эди. — Исмим Валишер. Олимжоннинг айтишича, машина сотиб олиш ниятида экансиз.

— Ҳа-ҳа, шундай ниятимиз бор.

— Олимжон қалин жўрам. Унинг айтишича, сиз унга кўп яхшилик қилган экансиз. Шунинг ҳурматига сизга ёрдам бермоқчиман, — деди дабдурустдан Валишер.

— Қандай ёрдам? — ажабланди Адҳам ака.

— Автодўконларда танишларим кўп. Истасангиз, ака, хоҳлаган машинангизни ўзининг нархига олиб бераман.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munavvar lahzalar



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Бурунги гурунгларимиздан маълум бўлдики, инглиз зобити Майор Уильям Дэви «Темур тузуклари» ёдгорлигининг оригинал асар эканлигини ишончли далиллару асослар билан ҳимоя қилган олим ва таржимондир. У аслияти номаълум сабабларга кўра, ҳозирча топилмай турган туркий тилдаги асарни форсча нусхасидан инглизчага таржима қилиб, унинг дунёга ёйилишига катта ҳисса қўшган, Абу Толиб ал-Ҳусайн билан бирга холис хизмат кўрсатиб меросимизни бизга қайтариб берган олимлардан, дейиш мумкин.

Майор Дэви таржимасидан, бошқача айтганда, инглиз олимлари амалга оширган Оксфорд нашри (ҳам инглизчаси, ҳам форсча матн)дан нодир тузуклар «кейинчалик ҳеч бир ўзгаришсиз, фотомеханик йўл билан жаҳоннинг кўплаб шаҳларида чоп этилди. Масалан, 1785 йили Калкутта, 1868, 1963 ва 1992 йилларда Теҳрон, 1890 йили Бомбей...». («Темур тузуклари». Т., 2005. 148-бет-)шаҳарларида амалга оширилган нашрларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Майор Дэви таржимасида ажойиб бир хусусият борки, у «Темур тузуклари»ни туркий тилда ёзилганлигини жуда ишончли исботлаб беради. Бу инглизча таржимада туркий (эски ўзбекча) сўзларнинг эмин-эркин ишлатилишидир. Аввало, бу сўзлар асл туркий матндан форсийга (эҳтимол таржимининг иложи йўқлигидан) таржимасиз кўчиб ўтган ва, табиийки, улар инглизча матндан ҳам, изоҳлардан ҳам жой олган. Қирққа яқин шундай сўзларни санаганим эсимда. Аслида улар кўп. Бу сўзлар қўпинча салтанат идораси, ҳарбий истилоҳлар, туркийлар ҳаётига оид атамалар, тарихий иборалар ва ҳоказолардир. Инглизча таржимада келтирилган қуйидаги сўзларга эътибор беринг: «пир», «сармуза», «жом», «қиличли», «қалъа», «девон», «чопқунчи», «суюргал(ат)», «мисқол», «карвонсарой», «пешона», «қўл», «тамга», «қоровулбеги», «бегларбеги», «амир», «қўшин», «улус», «аймоқ», «ўнбоши», «юзбоши», «мингбоши», «моли омони», «ноғора», «кўриниш», «йўқий», «қабила», «тоифа», «турки забон», «бурғу», «туманот»...

Таржимон бу сўзларнинг ҳар бирига изоҳлар илова қилади, ўқувчига тушунтиришлар беради.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир ибора таржимаси ва унга берилган изоҳ устида тўхталамиз.

«Темур тузуклари»нинг ўн учинчи кенгашида Амир Темур лашкарининг Жета қўшини, хусусан, Илёс Хожа билан саваш қургани ҳақида сўз боради. Жумладан, ўзбекча матнда шундай сўзларни ўқиймиз:

«...Жета лашкари ўзини йиғиб, тартибга келтиргунча баходир йигитларим уларни тўзитиб ташладилар. Жета лашкари «ал-фирор», «ал-фирор» дея чекиндилар. Мен Илёс Хожага етиб олиб, «Йўл бўлсин?» — деб қичқирдим...» («Темур тузуклари». Т., 2005, 37-бет).

Ушбу парча Майор Дэви форсчадан қилинган таржимасида бундай берилган:

«And before the forces of Jitteh could gather themselves together, my soldiers dispersed them; and in the skirmish many warriors of both sides were slain. And the forces of Jitteh cried out, «Let us flee» and they fled. And I came up to Ouleaus Khaujeh (Ilyas Haja) and said, Yole Bolishun». (The institutes of Timour. Oxford. At the Clarendon-Press. London, 1783. P.37)

Таржимон «Йўл бўлсин» иборасига шундай изоҳ илова қилади: «A Mogul expression of salutation, the precise meaning of which is not known». («Бу салом-аликда ишлатиладиган ибора бўлиб, чин маъноси номаълум».)

Аслида, бу мўғулча ибора эмас, туркийча иборадир, ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд, «Қаёққа кетаяпсиз?» — маъносини англатади. Биз юқоридаги парчаларни ўқувчиларимиз тузукларнинг қайси тилда иншо этилганини тасаввур қилишлари учунгина келтирдик.

Инглизча таржимада, шунингдек, «амирул умаро», «дарвеш», «қўшунот», «камар», «кулоҳ», «соябон» каби сўзлар ҳам келтирилган.

Майор Дэви «Темур тузуклари»нинг инглизчасида ҳар саҳифанинг ўзида берилган баъзан батафсил изоҳлардан ташқари тўлақонли илмий маълумотлар ҳам ҳавола қилган. Таржима Мовароуннаҳр ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларига оид жойлар, шаҳарлар номлари, этник атамалар, шахслар исмлари ва мазкур нашрларда жаҳоний аҳдозаларда қандай талаблар қўйилган бўлса, ўшаларга жавоб бера оладиган йўсинда кўрсаткичлар билан бойитилган.

Буларнинг бари мазкур нодир ва ноёб асарнинг кенг инглиз ўқувчилари, нафақат инглиз, балки дунёнинг бошқа мамлакатлари китобхонлари орасида ҳам кенг тарқалишига, энг муҳими, тўғри англаб етилишига йўл очади.

(Давоми бор)

Mutolaa

Янги илмий-амалий қўлланма

у фуқаролик процессуал қонунчилиги таҳлилига бағишланган

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мажмуаси яратилган. Шулардан бири Фуқаролик кодекси бўлиб, унда фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрлар мужассамлаштирилган.

1997 йил 30 августда Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинди. Унда фуқаролик процессуал қонунчиликни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг етакчи принциплари, хусусан, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, судда иш кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги, фуқаролик ишларининг якка тартибда кўрилиши каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилди. Суд қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш институтига жиддий равишда ўзгартишлар киритилди, шунингдек, одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш, яъни сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти жорий этилди.

Жамиятимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларни қўшимча кафолатлаш, суд тизимининг қонунчилик асосларини халқаро ҳуқуқ меъёр ва принципларига мувофиқлаштириш ҳамда фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни соддалаштиришга қаратилган меъёрларни фуқаролик процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўз навбатида, фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришда, мазкур тадқиқот натижаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш ва умумлаштиришда жиддий импульс вазифасини бажарди. Шунинг учун ҳам мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш муҳим ўрин тутади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори Музаффаржон Мамасиддиқов муаллифлигида чоп этилган **«Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши»** номли илмий-амалий қўлланмада мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти баён этилган. Унда фуқаролик ишларини апелляция тартибида қайта кўриш, фуқаролик процессида прокурор иштироки, суд буйруғи, ҳакамлик судлари қарорларини бекор қилиш билан боғлиқ ишларни юритиш ҳамда судда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, қўлланмада МДҲнинг айрим давлатлари қонун ҳужжатларининг жадвал шаклидаги қиёсий таҳлили ҳам ўрин олган.

Мазкур қўлланма фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида тадқиқот ишларини олиб бораётган докторант, аспирант ва бошқа тадқиқотчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судьяликка номзодлар, судьялар, прокуратура ходимлари, суд ижрочилари, адвокатлар, нотариуслар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

Давлатжон ҲАБИБУЛЛАЕВ,
юридик фанлари номзоди

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Виждонли одамларни нафақат бажараётган амалларидан, балки хоҳиш-истакларидан ҳам билиб олиш мумкин.

* * *

Ўз бурчини яйраб адо этувчиларгина эмин-эркин яшайдилар.

* * *

Истакларини енга олганлар букилмас инсонлардир. Ўзини мағлуб эта олганлар жасур ва мардонадирлар.

* * *

Саломатлик тана учун қанчалик муҳим бўлса, руҳ учун доно-лик шунчалар зарурдир.

* * *

Доно киши ҳаммани қадрлайди. Чунки у ҳар бир одамнинг яхши томонини кўра олади.

Jinoyat va jazo

Қонунга амал қилган қоқилмайди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Қува тумани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ўтказилган махсус тадбирда Шокир Аҳмадалиевнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

...Шокирга таниши Турсуной қўнғироқ қилиб, доллари борлигини, уни сўмга алмаштиришда ёрдам беришини илтимос қилди.

— Дарров бажарамиз, — деди Шокир «клиент» чиқ-қанидан хурсанд бўлиб. — Қанча пулингиз бор ўзи?

Турсуной ҳам иши осон кўчаётганидан қувонди, шекилли, 2,5 минг АҚШ долларини сўмга алмаштирмоқчилигини айтди.

Шу тариқа улар овлоқда кўришиб, ноқонуний олди-сотдини амалга ошираётган чоғда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди Ш.Аҳмадалиевни Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б» билан айбдор деб топиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади. Далилий ашё сифатида олинган 4,7 миллион сўм давлат фойдасига мусодара қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз ҳар жиҳатдан ривож топиб, тараққиёт сари одимламоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида меҳнат қилиб бунга ҳисса қўшаётган фуқароларимиз бисёр. Эътиборлиси, улар меҳнатларига яраша фаровон ҳаёт кечириш билан бирга жамиятда ҳам ўз қадр-қимматига эга. Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, юқоридаги каби меҳнат қилмай текин даромад топишни кўзлаган кимсалар эса жазосиз қолмайди. Шундай экан, ҳаётда ҳар бир инсон қилаётган ишининг оқибатини ўйлаб, фақат яхши амаллар сари юзланса, бу унинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлади.

Турғунбой БУВАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Ёлғоннинг қисқа умри

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

— Яхши бўларди-да, ука, жуда яхши бўларди, — иши ўнгидан келаётганидан қувониб кетди Адҳам ака. — Бунинг учун мен нима қилишим керак?

— Эртага Чилонзорда кўришайлик, ҳаммасини бафуржа гаплашиб оламиз. Ҳа, айтганча, ҳужжатларни олишни унутманг...

Эртаси кун Адҳам акани белгиланган жойда икки киши кутиб турарди.

— Ассалому алайкум, Адҳам ака, — дея улардан бири пешвоз чиқди. — Мен Валишер бўламан, бу жўрам Тўлқин.

Адҳам ака уларнинг ранг-рўйига зимдан разм солди: туппа-тузук йигитлар. Тўғриси, кеча Валишер қўнғироқ қилгандан сўнг унинг гапларига ишонқирамай Олимжонга учрашганди. Олимжон Валишерни обдон мақтади, ишончли йигит, деди. Шундан сўнг Адҳам аканинг кўнгли равшан тортган эди, ҳозир уларнинг гап-сўзларини эшитиб адашмаганига амин бўлди.

— Адҳам ака, машина оладиган кўп, сиздай бообрў кишиларнинг салонда навбат кутиб сарғайиб ўтириши яхшимас. Шунинг учун сиз тўловини тўланг-да, қолганини бизга қўйиб беринг, — деди Валишер.

— Раҳмат, ука, насиб бўлса, машинани олайлик, битта ош мендан, — деди Адҳам ака хурсанд бўлиб.

— Э, акахон, сиз хурсанд бўлсангиз бўлди. Фақат биласиз, биз ҳам машинани олиш учун акахонларга чой ичирамиз, шунинг пулини кўнгилдан чиқариб берсангиз, кифоя.

Орадан йигирма кунлар ўтгач, Адҳам ака Валишерга қўнғироқ қилди. Учрашганларидан сўнг Валишер олдиндан 4500 АҚШ доллари ва керакли ҳужжатларни олиб, бир ҳафтада хабар беришини айтди.

Икки кундан кейин Валишер қўнғироқ қилиб, шартномани расмийлаштирганини, қолган пулни олиб келаверишни айтгач, Адҳам ака белгиланган жойга тезда етиб борди.

— Адҳам ака, мана, ака-ука бўлиб қолдик. Аммо-лекин мен ўйлаганимдан ҳам ишончли киши экансиз, айтилганини вақтида қиляпсиз, — аввалига Валишер кифтини келиштириб олқиш сўзларини ёғдирди. — Дўконда яна битта «Нексия» тайёр турибди, шуни ҳам сизга илиндик, ака, хўп денгда, олиб қўйинг, зарар қилмайсиз.

— Менга ишонмаяпсизми? — дарров хафа бўлди Валишер. — Сизни деб елиб-югуриб юрибман-ку, ака!

— Майли-ю, машиналарни қачон оламиз?

— Агар тўловларни кечиктирмасак, — куюнчаклик билан тушунтирди Валишер, — иккала машинани ҳам бир қилиб дўкондан олиб чиқамиз, ака.

— Унда мен бир ўйлашиб кўрай...

Адҳам ака уйга келиб, акасига маслаҳат солди, бундай имконият бошқа бўлмаслигини ҳам қўшиб қўйди. Ниҳоят, керакли пулни тўплаб, тағин Валишерга қўнғироқ қилди.

— Мана бу бошқа гап, — Валишернинг қувончи овозидан сезилиб турарди, — тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди-да! Мен, акахон, сизга кечқурун қўнғироқ қиламан.

Дарҳақиқат, Валишер шу куни кечга яқин қўнғироқ қилиб, учрашишлари лозимлигини айтди. Адҳам акадан зарур ҳужжатларни ҳамда пулни олган Валишер бир ой ичида машиналарни тайёр қилишга ваъда берди.

Шундан сўнг авваллари кунора қўнғироқ қилиб, ҳеч бўлмаса, ҳолаҳвол сўраб турадиган Валишер изсиз ғойиб бўлди. Хаёлига турли шубҳалар келаётган Адҳам ака айтилган бир ойни ўтказиб, Валишерга қўнғироқ қилди. Валишер ҳужжат ишлари чўзилиб кетганини баҳона қилиб, тезда ўзи хабар қилажагини айтди. Адҳам ака бу хилдаги ваъдалар қўпайиб кетаётганидан шубҳаланиб, қўлидаги шартномада кўрсатилган автодўконга қўнғироқ қилди.

— Алло, бу автодўконми? — гўшакдан «эшитаман«, деган овоз келгач, Адҳам ака мақсадини айтди: — Биласизми, бир танишим менга машина олиш учун шартнома берганди, белгиланган муддат ўтсаям, машинани олганим йўқ. Шунга қўнғироқ қилаётгандим.

— Фамилиянгизни айтинг.

— Вафоев Адҳам.

— Бизда сиз билан тузилган шартнома йўқ.

— Йўғ-э, бўлиши мумкинмас, яхшилаб қараб кўринг, укажон.

— Адашганим йўқ, ака. Сиз ўша танишингиз билан гаплашинг, эҳтимол, бошқа дўкондир.

Адҳам аканинг кўз олди қоронғилашиб кетди. У шартта Валишерга қўнғироқ қилди.

— Сен ўзи қанақа одамсан! — Адҳам ака қаҳр-ғазабини тўкиб солди. — Берган шартномаларинг қалбаки экан-ку, айтилган муддат ўтиб кетди, қани, машина!

— Акажон, узр, шунақа бўлиб қолди, — Валишер мулойимлик билан уни шаштидан туширишга ҳаракат қиларди. — Пулингизни қайтараман, аммо бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай қўяқолинг. Эшитган қулоққа яхшимас...

Фирибгарнинг тузоғига илинганини сезган Адҳам ака тезда ички ишлар идорасига хабар берди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг тезкор суриштирув ишларидан сўнг ҳаммаси ойдинлашди.

* * *

Валишер Қурбонов аввал ҳам Жиноят кодексининг 168-моддаси билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган, Президентимизнинг 2000 йил 28 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазо муддати қисқартирилган, 2003 йил 1 декабрдаги амнистия актига кўра, жазодан озод қилинган эди. Афсуски, қилмишларидан тўғри хулоса чиқармаган Валишер яна бошқаларнинг ишончини суиистеъмол қилиб, фирибгарлик кўчасига кирди. У С.Вафоевдан ташқари У.Мирғозиевни ҳам машина олиб беришга ишонтириб, унинг 16 200 000 сўмини, 4500 АҚШ долларини қўлга киритиб, унга-да сохта шартнома ва қалбаки тўлов варақаларини беради.

Суд В.Қурбоновнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Аслида, «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади», деган ҳикматнинг маъноси теран. Зеро, ёлғон ошкор бўлмай қолмайди, ҳақиқат, бир кунмас-бир кун, албатта, қарор топади. Валишер Қурбоновга ўхшаш кимсалар ҳарчанд ўзларини оппоқ қилиб кўрсатишга уринмасин, яхшилик, эзгу амаллар, савобдан сафсата сотмасин, қилаётган ишидан барчаси ошкор бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам одамнинг айтган сўзига эмас, қилган ишига бок», дейдилар.

Бахром ТОШПЎЛАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани суди судьяси
Отабек САФАРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, улушли мулкдаги ҳисса қандай тартибда тасарруф этилади?

Т.АШУРОВ,
Пайариқ тумани

— Фуқаролик кодексининг 218-моддасига кўра, улушли мулкдаги мол-мулк барча иштирокчиларнинг келишуви билан тасарруф этилади.

Улушли мулк иштирокчиси ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга, бошқа шахсга бериш чоғида ушбу кодекснинг 224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади.

— Айтинг-чи, майда безорилик деганда нима тушунилади? Унга нисбатан қонунда бирор-бир жавобгарлик белгиланганми?

Ғ.ШАРИПОВ,
Қибрай тумани

— Майда безорилик бу жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликдир.

Бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида жавобгарлик белгиланган.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Кодирий кўчаси, 1.

Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма Г-118. Қоғоз бичими А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 9000. 1 2 3 4 5 Топширилди: 22⁰⁰